ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

АЁЛ ЖАСОРАТ ВА БУЮКЛИК ТИМСОЛИ

Гулчехра Салайдиновна Рахмонова
Чирчиқ давлат педагогика инситутути ўқитувчиси

АННОТАТЦИЯ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нега баҳор фаслини аёлларга қиёслашади? Мафтункорлигу гўзалликни ўзида жамлагани учунми? Шу фаслнинг об-ҳавосидек ўзгарувчан атворга эгалиги боисдир балки? Аёллар байрами баҳорнинг илк тароватли кунларида нишонлангани учундир? Не бўлганда ҳам аёл ҳусну латофатини баҳор гулларига, феъл-атворини эса об-ҳавосига қиёс этиш мумкин. Шу ўринда бир савол пайдо бўлди. Аёлнинг эгилса-да, букилса-да синмас иродаси, метин матонатини нимага менгзасак бўлади? Келинг, шу саволга бирга жавоб излаймиз. Тасаввур қилинг, кўмир конида пайдо бўлиб қолдингиз ва кўмирлар орасида базўр кўринаётган нарсага кўзингиз тушди. То уни қўлга олиб, артиб, тозалаб кўрмагунингизча уларнинг оппоқ дурлар эканлигига ишона олмайсиз. Уларнинг нима учун денгиз тубида эмас, кўмирлар орасида қорайиб ётганига ҳайрон бўласиз. Тарихга эътибор берадиган бўлсак, ҳар бир буюк шахс ортида аёл сиймоси турганини кўрамиз. Чунки бутун бир миллатни аёл дунёга келтиради, аёл тарбиялайди.Матонатли бу аёллар орасида узоқ умр кўриб, қийинчиликлар олдида қаддини букмай мардона курашганлар ва алалоқибат ёруғ кунларга етиб келганларни тушинамиз. Авлодлар давомийлигини таъминлаш, фарзандлар тарбияси, рўзғор ишлари аёллар зиммасида. Қадим момоларимизнинг зукколиги, билимдонлиги сабаб Беруний, Ибн Сино, Имом ал-Бухорийдек буюк зотлар вояга етган. Аслида, оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб катта кучга айлантира оладиган зот бу аёллардир Аёл ким? Бироз жумбоқли савол-а? Аёлнинг ўзи ҳам тушунмас сирли олами, нозик қалби бизни ҳайратда қолдиради. Аёл бир зумда қушдек чақнаса, бирпасда англаб бўлмайдиган тушкунлик қуршовида қолади.

Калит сўзлар: Табиий-биологик, Шариат, Матриархат, Аёл сиёсатчилар**,** биологик-генетик**,** тарихга назар, миллат келажаги, оиладаги мавқе, жасорат, фарзандлар тарбияси,

КИРИШ

Ўзликни англаш,миллий тикланиш истиқлол берган улуғ неъматлардандир. Юрт мустақиллиги яна бизга юксалиш учун кенг

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

имкониятлар эшигини очиб берди.Бу эса ўз навбатида,буюк давлат қуриш йўлидан бориш шароитини яратди.Буюк давлат қуриш фақат маънавияти юксак халқнинг қўлидан келади.Ўтмишни унитмаган халқнинг маънавияти шубхасис юксак бўлади.Тарих кишиларга аждодларимиздан қолган анъана ва қадриятларни ,меҳр-оқибатни ўргатади, одамийликдан сабоқ беради,миллий ғурурни юксалтиради,Ватанга бўлган муҳаббатни кучайтиради,огоҳликка чорлайди ва ўтмишга ҳурмат эҳтиром билан муносабатда бўлишга ундайди.Албатта хар бир даврнинг ўзини қарашлари,урф-одатлари ,маънавий шакилланиши бўлади.Қайси даврдан бўлишдан қатий назар аёллар доим бир мақомда бўлади.Мавзуни кўтаришдан мақсадим Қадимги Юнон файласуфи Суқротга тегишли гап менга туртки бўлди.”Миллатни йўқ қилмоқчимисан? Унинг аёлларини тарбияси буз!Бир пайтлар Европада қудратли кучга эга бўлган ва ҳатто Юнонистонни ишғол қилган Спарта давлати абадий енгиб бўлмас мамлакат сифатида кўриларди. Бу қудратли давлатни ҳар бир эр ўғлони бор эдики жанг майдонида охирги қони қолгунча арслон каби олишарди. Уларни гўё жанг майдонида енгиш имконсиз эди. Ҳатто бошқа давлатга юришга кетаётган қўшин ҳам Спарта чегарасини айланиб ўтган. Қадимдан маккорлиги билан кўп давлатларни қулатган Римликлар ана шу енгиб бўлмас салтанатни қулатиш учун кўп йиллар ҳаракат қилишди ва охирида Юнон файласуфи Суқротнинг миллатни йўқ қилмоқчимисан унинг аёлларини тарбиясини буз иборасидан пухталик билан фойдаланишди

Дастлаб Римликлар Спарта билан дўстлик алоқаларини яхшилашди ва уларга ўзларининг савдо карвонларини жўнатишди. Бу пайтда Спарта аҳолиси деҳқончилик билан шуғулланар, эркаклари доимий жангларда бўлгани сабабли, одатда аёллар деҳқончилик ишлари билан банд бўлар эди. Аста-секин Спарта ичкарисига кириб келган Рим савдогарлари қишлоқ аёлларини қимматбаҳо буюмлар, газламалар билан қизиқтиришни бошлашди. Албатта бу чиройли буюмларни сотиб олиш учун уларга олтин керак эди. Бора-бора жанглардан уйига қайтаётган эрлардан аёллар жангдан олтин билан қайтишни талаб қила бошлашди. Илгари ватани, ҳалқи, ор-номуси учун сўнгги қони қолгунча олишган миллатнинг эр йигитлари энди жангга олтин учун кирадиган бўлди. Улар жангдан олтинсиз уйларига қайтишни исташмас, қайтганларини уйда минг маломатлар кутиб турарди.Биринчи босқич амалга ошгач Римликлар энди иккинчи босқичга ўтишди. Улар савдо карвонлари орқали энди қулларни ҳам олиб келиб Спартада сотишни йўлга қўйишди. Йил ўн икки ой далада ишлайдиган аёлларга бу ишларни қулларга қилдиришлари мумкинлиги, ўзлари

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

уйда маишатда яшашлари аста-секинлик билан сингдирилди. Вақт ўтиб аёллар ҳамма ишларини қулларига қилдирадиган ва ҳар бир Спарталикнинг уйида қул бўлиши урфга айланди. Шундан кейин эркаклари доимий жангларда юрган Спарта аёлларига қуллари билан яширинча ишқий муносабатлар қуриш каби ёд ғоялар фаол феминисткалар томонидан сингдирила бошланди. Бу ишлар бошида эрлардан яширинча тутиларди токи Спарта Маликасининг ўз қули билан ишқий муносабати маълум бўлмагунча. Ўшанда ҳукмдор ўша қулни қатл қилдириб Маликани жазосиз қолдирганди. Шу воқеадан кейин бошқа аёллар ҳам энди эрларидан қўрқмайдиган ва бу ишларини сир тутмайдиган одат чиқаришди. Ғурури синган эркаклар энди илгаригидек жанг майдонида ўлишни исташмас, улар ҳимоя қиладиган орқаларида қадрлироқ ҳеч нарса қолмаганди.Охирги бор Рим қўшинлари Спартага бостириб кирганда қаршиларида ғурури синган бир ҳовуч қўрқоқлар турарди. Илгари жанг майдонида шердек олишган Спарталиклар бу сафар жангнинг биринчи қисмидан жанг майдонини ташлаб қочишди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шу билан бу қудратли давлат ер юзидан батамом йўқ бўлиб кетди. Эрка-тайлоқ Спарта аёллари эса Рим бозорларида қул қилиб олиб кетилди.Бу ғоялар қўлланила бошланганига мана минг йиллардан ошди. Тарих чархпалаги такрорланиб бораверар экан янги-янги ғоялар вужудга келаверади. Инсоният яралибдики ҳаёт учун кураш давом этади ва унутманг минг йиллар олдинги бу ғоялар ҳозир ҳам қўлланиляпди, фақат янгича кўринишларда, классик усулларда.....Аёллар бу миллат келажагини белгилаб беради,соғлом ва теранг фикрлайдигон авлодни яратади,она деган мақомга эга бўлади.Она бу жасорат тимсоли.Она фарзанди учун хамма нарсага тайёр бўлган бир тимсол.Жасорат ва буюклик тимсолига фақат аёллар ва оналар хақлийдир деб биламан.Шундай экан аёллар миллат келажагини асрабқолишга дахлдордир.

Бугунги кунда инсониятнинг тенг яримини ташкил этадиган аёллар жамият ҳаётида жудда катта роль ўйнайдилар,қолаверса,ҳаётимизни уларсиз тасаввур қилиш қийин.Улуғлардан бири;”Дунёда битта аёл қолса ҳам у ҳақда янги гап айтиш мумкин”, деган эди.Юксак ақл-идрок соҳиблари орасида аёллар озчиликни ташкил этади.Гўзал жинс соҳибларининг ижодий фаолияти билан эркакларга нисбатан кам шуғулланишлари табиий-биалогик ёки генетик ўзига хослик бўлмасдан,балки,ижтимоий,баъзан эса,диний характер касб этади.Машхур саркардалар ва умуман,тарихий шахсларнинг хотин-қизлар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

орасида кам етишиб чиқанлигини хам қисман шу билан изохлаш мумкин.Аммо,бу ерда энди аёлларга хос бўлган ва уларни эркаклардан ажратиб турувчи табиий-биалогик жиҳатлар мухим ахамият касб этади.Шундай бўлсада уларни орасида Тўмарис каби қаҳрамонлар етишиб чиқишди.Ижод сохасида эса,Гулбаданбеги ва Нодирабегим каби ўнлаб арбоблар юритганлигини биламиз.

Тарихдан биламизки,аёлларнинг жамиятдаги холатига муносабат турли даврларда давлат сиёсатига қараб ўзгариб келган.Зеро,аёллар хар қандай жамиятда хам оиланинг асосини ташкил этган.”Аёллар бир қўли билан бешик тебратса,бир қўли билан дунёни тебратади”,деган нақл бежиз айтилмаган.Шу масалага чуқурроқ ёндашадиган бўлсак,хар бир жамиятнинг тараққиёти,адолатлилиги ва инсонпарварлиги аёлларга бўлган муносабат билан ўлчаланади.

Тарихга бир назар ташласак,ибтидоий жамоа тузими даврида аёл оила боши,унинг асоси бўлса,кейинчалик унинг мақоми,хуқуқлари поймол этила бошланиб,ҳақ-ҳуқуқсиз қул сифатида ,уни сотса хам,сотиб олса хам ,ҳатто ўлдириш ҳам мумкин.Яна бир даврда аёл олима,сиёсатчи,давлат арбоби ва жамият учун энг зарур инсон.Тарих зарварақларидаги аёлга бўлган муносабат шу даврнинг сиёсати,ижтимоий тенгсизлик билан белгиланса-да,хозирги демократик жамият устувор мамлакатларида ҳам уларнинг хуқуқларини хурмат қилинмаётганлигини кўриш мумкин.Буни базилар тарихдан қолган мерос,”шариат”нинг талаби дея эътироф этишлари мумкин.Шарқда қадимдан шариат ва одатлар меъёрларидаги тамойиллар ўзбек аёлининг хаёт тарзининг белгилаб берган.Аёлга масъул оиланинг эркаги ҳисобланиб,уни акаси,отаси ёки эрининг хохишига кўра,жазоланиши,сотиб юбориши мумкин бўлган.Шарқ мамлакатларида аёллар ва қизлар билан савдо қилувчи қул бозорлари ҳам маавжуд бўлган.Бухоро сўнги амирининг 300га яқин аёли,чўри ва канизаклари бўлган Кўпхотинлик қизларни ёшлигидан сотиш,аёлнинг наслдан наслга ўтиши (эр ўлганида унинг ака-укаларига ёки фарзандларига никохланиши)ақидапараст рухонийлар томонидан қонунийлаштирилган.Кўп вақтлар Ислом динини чаласавод дин пешволари томонидан бузилиб талқин қилинган.Бинобарин,Ислом динида аёлларни ҳурмат қилиш ва севишга даъват қилинади.Қуръони Каримда такидланишича,эркак ва аёл,уларнинг қобиляти ва лаёқати тенг хисобланади.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Аёлларни ўз имкониятларини тўлароқ намоён этишларига ижтимоий ва диний омиллар монелик қилади.Буни тушиниб олишимиз учун тарихга назар солишимизга тўғри келади.Хаммамизга маълумки Матриархат ва Патриархат даврлари бўлган.Патриархат давр бошланиши билан аёлларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеи пасайган.Чунки,яшаш учун кураш жараёнида туғиладиган муоммолар,асосанг,жисмоний куч билан ҳам мумкин эмас эдида.Бу нисбат анъанавий тус олиши натижасида эса,жамият тараққиётининг юксакроқ босқичларида ҳам ўзгармасдан қолаверади.Тайлор деган инглиз олими “Ибтидоий маданият” деган китоб ёзган.Олим археологик ашёвий далиллар ва ибтидоий даражада ҳаёт кечирувчи қабилалар ҳаётини кузатиш асосида тадқиқот ишларини олиб борган.Тайлорнинг ёзишича,аёлларнинг оила ва қабилада паст мавқега эга бўлишлари уларнинг ақлий характердаги муоммолар билан камроқ шуғулланишларга сабаб бўлган.Уларда кашфиётчилик ва ихтирочилик имкониятлари чекланган.

Биринчидан,бу нарсани биологик-генетик даражага олиб чиқиш хато,чунки табиат аёлларга ҳам эркаклар билан баравар интеллектуал салоҳият ато этган.Ҳатто баъзи бир жихатлардан улар устунликка хам эга.Масалан,борлиқни эстетик ҳис қилиш,бошқа инсонлардаги ўй-кечинмаларни англаш ёки нарса ва воқеалар ўртасидаги мантиқий боғлиқликни идрок қилиш нуқтаи назаридан аёллар эркаклардан устун туришади.

Иккинчидан эса,аёлликни ўзи моҳият эътибори билан кашфиётчиликдан иборат-улар ҳаёт давомчилари бўлган болаларни дунёга келтириша!Қолаверса ,ёш авлоднинг таълим ва тарбияси асосан аёллар зиммасида бўлган,ўйлашимча,ҳозир ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.Чунки,бу муҳим ишда фидойилик мухим аҳамият касб этади ва фақат аёлларгина ўз зурриётлари учун ҳар қандай қийинчиликка тайёр туришади.Аёл-жуда катта яратувчи куч!Эски замон мактабларида асосан ўғил болалар таълим олишган.Қизларнинг бир қисмигина уйда ўқиб ўрганишган.Аҳлоқий ва ҳуқуқий онгининг ривожланиб бориши билан аёлларнинг жамиятдаги,шунингдек,оиладаги мавқеи ҳам ўсиб,эркаклар билан бараварлашади.Буни оддийгина меҳнат қилиш ҳуқуқидан тортиб сиёсий ҳуқуқларигача бўлган конститутциявий меъёрларда кўришимиз мумкин.Масалан,анъанавий жамиятлар ҳисобланадиган бир қатор Шарқ мамлакатларида ўтган юз йилликнинг иккинчи яримидан бошлаб аёл сиёсатчилар ҳокимят тепасига келишди.Тарихан аёллар ижтимоий-сиёсий

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1206-1211

масалаларга нисбатан паст мавқени эгаллаган Ҳиндистон ва Покистонда Индира Ганди ва Беназир Бхутто сингари аёл сиёсатчилар бир неча марта умумхалқ сайловларида ғолиб чиқиб,ўз мамлакатларини узоқ йиллар давомида бошқардилар.Шу маънода ўзимизни тарихимизга назар солсак қўрқмас ва жасур,ақл сохибалари ҳам етишиб чиқан.Хозирги кунда хам давлатимизга аёлларга бўлган эътибор тобора ошиб бормоқда.Жамиятимизда аёлларни ўрнини ошириш учун сенат раиси Танзила Камолова ва бир қанча туман хокимларини аёл кишидан иборат бўлганлиги бунга мисол бўла олади.

ХУЛОСА

Ҳуқуқий –демократик жамият ривожланиб бориши билан хотин-қизларнинг ҳамма жабхадаги ҳуқуқий мақоми ҳам кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораверади.Лекин бу нарса аёлларга қўйиладиган талабни эркаклар билан бир хил даражага олиб чиқиш зарурлигини англатмайди.Чунки,табиат уларга ўзига хос нозик тийрат ва сийрат ато қилган бўли,улар бажарадиган юмушлар таъсирида тушадиган жисмоний,ақлий ва руҳий юклама уларга оғирлик қилмаслиги зарур.Қолаверса,боболаримизни ижодга,курашга ундаган,уларнинг юракларига илҳом ва жасорат бахш этган нарса ҳам момоларимиздаги гўзаллик ва оқилалик эди.Буюк инсонларни дунёга келтирган она-аёлларнинг ўзи ҳам буюк!Бекорга халқни онага қиёслашмайди.Битта даҳо камолга етиши учун неча юзлаб ва минглаб ярим дахолар тер тўкиб мехнат қилишлари керак бўлади.Шубхасиз,уларнинг кўпчилигини аёллар ташкил қилади.Биз қураётган дунёвий жамият ва демократиянинг ривожланиш истиқболлари аёлларимиздаги интеллектуал қобилятларни намоён қилишга имкон беради.Биз ўзлигимизни,қарашларимизни аёллар орқалий шакиллантиришимиз керак.Аёл она,фарзанд тарбиясига маъсулдир.Шундай экан аёлларни маънавий ва ахлоқий тушунчаларни минталитетимизга хос тарзда асраб қолишимиз керак деб биламан.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси конситутцияси
2. Хотин-қизларга йўналтирилган тиббий-ижтимоий ёрдам.
3.Оқ рўмол- Матлуба Юсуф Охун
4. Тўмарис -Миркарим Осим
5. Аждодларимиз жасорати-Ю.Насриддинов